



Газета 1966 йил  
1 июлдан  
чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 237 (12.298)

Баҳоси эркин нарҳда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

5 декабрь куни Тошкент шаҳрида  
Ўзбекистон Республикаси Олий  
Мажлиси Сенатининг ўнинчи ялпи  
мажлиси очилди.

Кеча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди. Унда ишчи гуруҳ раҳбарининг бўлажак ялпи мажлисни ўтказишга тайёргарлик тўғрисидаги ахбороти тингланди.

Сенат қўмиталарининг раислари қўмиталар мажлисларининг ўтказилганлиги тўғрисида ва ўнинчи ялпи мажлис муҳокамасига киритилаётган қонунлар юзасидан хулосалар, бошқа масалалар юзасидан қарорлар лойиҳалари тайёрлиги ҳақида ахборот бердилар, мажлис ишини ташкил этиш юзасидан ўзаро фикр алмашдилар.

Кенгаш мажлисида таъкидланганидек, Сенатнинг бўлажак ялпи мажлисида 20та масала, шу жумладан, 8та қонун кўриб чиқиши мўлжалланмоқда.

Кенгаш мажлисида Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги Давлат бюджети ҳамда 2013 йилда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури кўриб чиқиши ҳамда тасдиқлашнинг муҳимлиги кўрсатиб ўтилди.

Кенгаш аъзолари Сенатнинг ялпи мажлиси муҳокамасига киритилаётган, сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг барча соҳаларини изчил ислоҳ қилиш ҳамда либераллаштиришга, давлат бошқарувини такомиллаштиришга, шунингдек, Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясини амалга оширишга қаратилган Ўзбекистон Республикаси қонунларининг аҳамиятини алоҳида таъкидлаб ўтдилар. «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги руҳат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида»ги, янги таҳрирдаги «Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўғрисида»ги, «Хусусий банк ва молия институтлари ҳамда улар фаолиятининг кафолатлари тўғрисида»ги, «Тезкор-қидирув фаолияти тўғрисида»ги, «Сайлов эркинлиги янада таъминлини ва сайлов қонунчилиги янада ривожлантирилиши муносабати билан «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига сайлов тўғрисида»ги ҳамда «Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Фаолиятлари сайлов тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги, «Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2013 йилга мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги, шунингдек, солиқ ҳисоботини тақдим этиш даврийлиги қисқартирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, шунингдек, бошқа қонунлар шулар жумласидандир.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг ваколатига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди. Муҳокама қилинган барча масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг тегишли қарорлари қабул қилинди.

**Ўзбекистон Республикаси  
Олий Мажлиси Сенатининг  
матбуот хизмати**

**«Ижтимоий фикр» жамоатчилиги фикрини ўрганиш маркази истиқлол йилларида Ўзбекистондаги оилаларда маънавий-ахлоқий қадриятлар қанчалик мустаҳкамлангани, шунингдек, уларни анъанавий ижтимоий институт сифатида ривожлантиришдаги муҳим омилларни аниқлаш мақсадида мамлакатимиз аҳолиси ўртасида мониторинг тартибидеда сўров ўтказди. Тадқиқот мамлакатимизнинг барча ҳудудидеда репрезентатив танлов асосида ташкил этилди.**

## 2012 йил — Мустаҳкам оила йили

### ЖАМИЯТНИНГ МУҲИМ БЎҒИНИ

Ўзбекистонда оилалар фаровонлигини ошириш Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий сиёсатнинг устувор йўналишларидандир. Мамлакатимизда оиланинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳар томонлама таъминлашга доир тизимли чора-тадбирлар ҳаётга изчил татбиқ этилмоқда. Сўров натижаларига кўра, фуқаро-

ларимизнинг аксарияти давлатимизнинг ушбу муҳим соҳага қаратаётган эътиборини юқори баҳолайди.

Тадқиқот фуқароларимиз, биринчи навбатда, оила салоҳиятини юзга чиқаришда унинг ижтимоий, биологик ва маданий вазифалари муҳим ўрин тутишига алоҳида эътибор қаратишини кўрсатди. Сўров иштирокчиларининг катта қисми

«Конституция – бахтимиз пойдевори» ва «Президент асарлари билимдони» кўрик-танловлари голибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

рилар тарихи Давлат музейида «Илм-фан тараққиёти ва иқтисодиётни инновацион ривожлантириш» мавзuida Республика ёш олимлар илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

БУГУН Ўзбекистон Бадий академиясининг Бадий кўргазмалар залида Халқаро болалар расм фотобиенналесига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

## ҚИСҚА САТРАРДА

Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан.

ЎЗБЕК Миллий академик драма театрида умумтаълим мактаблари ўқувчилари ўртасида ўтказилган

БУГУН Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тему-

## ПОЙТАХТНИНГ БИР КУНИ



Елқин Шамсиддинов (ЎЗА) олган сурат

## ФИДОЙИ ЁШЛАРГА «ЎЗБЕКИСТОН БЕЛГИСИ» КЎКРАК НИШОНИ ТОПШИРИЛДИ

Президентимиз Ислоҳ Каримовнинг 2003 йил 4 августдаги фармонида биноан ушбу мукофот билан маънавият, маданий мерос ва умуминсоний қадриятлар негизда юксак ватанпарварлик, халқпарварлик, фидойилик туйғусини ва меҳнатсеварлик фазилатларини ўзида мужассамлаштирган, Ватанимиз обрўси, шон-шухрати ва шарафини юксалтиришга ҳамда унинг халқаро нуфузини оширишга хизмат қилаётган, мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирок этиб намуна кўрсатаётган ёшлар тақдирланади.

Мамлакатимизда ёш авлоднинг жаҳон андозалари даражасида таълим олиши, касб-хунар эгаллаши, спорт билан шуғулланиши, ўз салоҳияти ва интилишларини рўбга чиқариши учун яратилган кенг шарт-шароитлар самарасида йигит-қизларимиз турли соҳаларда улкан ютуқларни қўлга киритмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг «Бугун ёшларимиз ҳал қилувчи куч бўлиб ҳаётга қиярпти. Мен бу ёшларга ўзимга ишонгандек ишонаман», деган сўзлари замирида навқирон авлодимизга нисбатан қанчалар меҳр, ишонч ва эътибор мужассам эканини кўплаб амалий мисолларда кўриш мумкин.

Ёшларимиз ўртасида «Мана шу муқаддас тупроқ меники, бу ерда ота-боболаримнинг хоки ётибди.

«Туркистон» саройида мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган бир гуруҳ ёшларга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони топширилди.

Агар шу мусаффо осмон, шу эркин ва ёруғ ҳаёт, мана шу муқаддас Ватанимиз мен химоя қилмасам, ким химоя қилади? деган фоя ўзига босишор ва эътиқодга айлиниб ҳормоқда.

Ана шундай соғлом фикрли ёшларни ўз атрофида бирлаштириш, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва манфаатларини таъминлашда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати муҳим ўрин тутмоқда. Ҳаракат томонидан ўз билими ва истеъдоди, меҳнатсеварлиги ва фидойилиги билан Ватанимиз ривожига муносиб ҳисса қўшаётган ёшларни рағбатлантиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда.

«Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони мамлакатимиз ёшлари учун энг фахрли мукофотлардан биридир. Жорий йилда илм-фан, маданият, таълим, соғлиқни сақлаш, санъат, журналистика, спорт, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес, ҳуқуқ ва ҳарбий соҳаларда ўқиётган, ишлаётган ҳамда илмий-ижодий фаолият билан шуғулланиб, юксак натижаларга эришаётган 35 нафар йигит-қизга «Ўзбекистон белгиси» кўкрак нишони топширилди.

Анвар САМАДОВ,  
ЎЗА мухбири

оиланинг жамиятда тутган ўрни ҳақидаги саволга жавоб берар экан, тарбия ва одоб-ахлоқни шакллантириш борасида оила устувор аҳамият касб этишини таъкидлади.

Сўров қатнашчиларининг фикрича, айнан оила инсон маънавиятини шакллантиришга катта таъсир кўрсатадиган ижтимоий институтлар орасида биринчи ўринда туради. Ёшларнинг дунёқарashi, қадриятларга ҳурмати ва ҳаётий қизиқишлари, мақсадлари ҳам айнан оилада, маҳалла ва ўқув юртларида шаклланади. Ушбу жараёнга маданият ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ҳам муайян таъсир кўрсатади. Бу борада ушбу ижтимоий институтларнинг роли кучайиб бораётганини қайд этиш жоиз.

Сўров давомида олинган маълумотлар шундан далolat берадики, Ўзбекистон фуқаролари давлатимиз томонидан маънавий-ахлоқий соҳада амалга оширилаётган сиёсатни тўлиқ қўллаб-қувватлайди. Мамлакатимиз аҳолиси маънавий-ахлоқий қадриятларини абадий деб билади ва уларнинг фикрича, маънавият жамиятнинг негизи ҳисобланади.

(Давоми 2-бетда)



## МАМЛАКАТИМИЗДА

● Тошкентда Ўзбекистон Экологик ҳаракати ташаббуси билан Конституция-миз қабул қилинганнинг йигирма йиллигига бағишлаб «Атроф-муҳитни муҳофаза қилишнинг конституциявий асослари» мавзuida давра суҳбати ўтказилди.

● Зулфия номидаги Давлат мукофоти учун ўтказилаётган танловнинг Тошкент вилояти босқичи якунланди. Унда танловнинг саралаш босқичларида голибликни қўлга киритган 120 нафар қиз иштирок этди.

● Андижон шаҳрида Президентимиз ташаббуси билан таъсис этилган «Нихол» мукофоти учун республика кўриктанловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда танловнинг туман, шаҳар босқичларида голиб чиққан 46 нафар истеъдод эгалари санъатнинг мусиқа, опера, мумтоз кўшиқлар, рақс ва замонавий эстрада йўналишлари бўйича ўз ижро маҳоратини намойиш этди.

● Қарши шаҳрида «Йил аёли – 2012» миллий танловнинг Қашқадарё вилояти босқичи бўлиб ўтди. «Аёллар кенгаши» Республика жамоат бирлашмаси ва Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ташкил этилган танловда 13 нафар фаол ва ташаббускор аёл иштирок этди.

● Мамлакатимизда 2012-2013 йиллар қиш-баҳор ойлари учун мева-сабзавот маҳсулотларининг асосий турлари захирасини яратиш ишлари жадал давом эттириляётир. Жумладан, Фарғона вилоятида ҳам жорий мавсум учун вилоят бўйича 60 минг тонна мева-сабзавот, картошка, пиёз, сабзи ва бошқа асосий турдаги маҳсулотларни жамғариш белгиланган. Ҳозиргача 52 минг тоннадан зиёд ана шундай маҳсулотлар захираси яратилди.

## ЖАҲОНДА

● Япониянинг JAXA аэрокосмик агентлиги ишлаб чиқиш жараёнида ҳозирга қадар 15 миллиард йен (салкам икки юз миллион доллар) маблағ сарфланган Epsilon энг янги ракета тизими бўйича маълумотларнинг ташқарига чиқиб кетганлиги мумкинлиги ҳақида хабар қилди. Гап шундаки, ракета хавфсизлик тизимининг навбатдаги текшируви чоғида ойдинлашича, компьютерлардан бирига вирус тушган ва натижада у барча маълумотларни номаълум манзилларга жўнатган. Таъкидлаш жоизки, Япониянинг Epsilon дастури энг замонавий қаттиқ ёқилғили элтувчи ракетани яратишга бағишланган бўлиб, у космосни ўрганиш ва йўлдош тизимларни учуриш бўйича бутун япон саноатига катта мадад бўлиши мумкин.

● Филиппинда «Пабло» тўфонининг қурбонлари сони ортиб бормоқда. Ҳозирга қадар метеорологлар кейинги 20 йил ичида энг кучли деб ҳисоблаётган мазкур тўфон натижасида ҳалок бўлганлар сони 80 кишидан ошиб кетди.

● Россиянинг кўмир ортилган «Волго-Балт 199» кемаси Қора денгизда ҳалокатга учради.

● Fitsh Ratings халқаро рейтинг агентлиги 2012-2014 йилларда жаҳон иқтисодиётининг ривожини бўйича ўз башоратларини илгари қўйилган 2,1, 2,6 ва 3 фоиздан 2, 2,4 ва 2,9 фоизга пасайтирди.

● Машҳур мусаввир Сальвадор Дали томонидан 1941 йилда АҚШда ишланган ва германиялик режиссёр Фриц Ланг фильмларининг бирида фойдаланилиши лозим бўлган кичик ҳажмдаги сурат Парижда ўтказилган кимошди савдосида 2 миллион еврога сотилди.



**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг 2012 йил 27 февралдаги Қарори билан тасдиқланган «Мустақкам оила йили» Давлат дастурининг ижроси юзасидан амалга оширилаётган кенг кўламли ишларнинг мазмун-моҳияти оммавий ахборот воситаларида ёритиб борилмоқда. Бу материалларда жамиятимизда жисмонан соғлом, юксак маънавиятли, ҳар томонлама ривожланган комил инсонларнинг шаклланишида оиланинг ролини ошириш, амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлигига эришиш, миллий қадриятларимизга эҳтиром масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.**



Ўқув масканларида

**БИЛИМ ВА МАҲОРАТ НАМОЙИШИ**

Тадбирни туман Психологлар уюшмаси раиси Холида Аъзамова олиб борди. Семинар-тренинг «Мен ўз йўлимни танладим» ва «Тарбияси оғир, нотинч, ноқобил оилалар фарзандларини энг олий таълим муассасаларига ўқишга кириштириш тўғрисида ташаббуси билан Тошкент педиатрия-тиббий институтини қўшиқдаги Юнусобод академик лицейида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди.

Маънавият тарғибот маркази Юнусобод туман бўлими, туман Психологлар уюшмаси ташаббуси билан Тошкент педиатрия-тиббий институтини қўшиқдаги Юнусобод академик лицейида вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олиш масалаларига бағишланган семинар-тренинг ташкил этилди.

Тайёрлаган амалий санъат намуналари — бежирим қўтилар, тўқилган буюмлари, чизган расмларидан иборат кўргазма ташкил этилди.

Даврон НУРМАТОВ  
СУРАТДА: тадбирдан лавҳа

Козим Ўлмасов  
олган сурат

**Танловлар**

**ҒОЛИБЛАР ТАҚДИРЛАНДИ**

Тошкент Фотосуратлар уйда «Мустақкам оила йили» Давлат дастурининг ижроси юзасидан Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси кенгаши, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди республика бошқаруви, Ўзбекистон Бадий академияси, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида босма оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ўтказилган «Мустақкам оила — жамият таянчи» танловининг якунига бағишланган тадбир ва кўргазманинг очилиш маросими бўлиб ўтди.

Фаол ва заҳматқаш журналистларни рағбатлантириш мақсадида ташкил этилган мазкур танловга саккиз юздан ортиқ мақолалар ва фо-

тоасарлар тақдим этилган эди. Тадбир давомида ғолиб ва совриндорлар диплом ва пул мукофотлари билан тақдирланди.

Кўргазмага қўйилган 80 дан ортиқ фотосуратларда ижтимоий ҳаёт, оила билан боғлиқ зарур ҳаётий воситалар, турмуш тарзининг айрим қирралари, ота-оналар, болалик ва ёшликнинг қайтарилмас бебаҳо дамлари ва бошқа кўпга ҳаётий лавҳалар акс этган. Улар ихлосмандларнинг бефарқ қолдирмасдан мулоҳазаларга чорлади. Фотокўргазма ижодкорлар учун замонавий фотографик аниқликлар, маънавият, маърифат, давримиз ҳақида фикр ва тажриба алмашиш имкониятини янада кенгайтди.

Кўргазма намоиши давом этмоқда.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ

**Донишмандлар «Инсоннинг энг катта бойлиги — ақл бўлса, энг қимматбаҳо мерос, бу тарбиядир», деб бежиз айтишмаган.**

Ҳар бир инсон улғайиш жараёнида турли ўтиш давларини бошидан кечиради. Ота-онани тўғри тарбиялаётган, хонадонда соғлом ижтимоий-маънавий муҳит ҳукм сураётган оила фарзандлари мана шундай ривожланиш босқичларидан муваффақиятли ўтиб оладилар. Улар тенгдошларига мисол бўладиган даражада ҳушқул, ақли, дунёқараши кенг, жисмоний ва маънавий жиҳатдан соғлом, баркамол бўлиб вояга етадилар. Бунда ота-онанинг, таълим бераётган устозлар-у яқин қариндош-уруғлар ва маҳалланинг роли жуда муҳимдир. Чунки уйда катталарнинг, мактабда муаллимнинг эътибори ва назоратидан четда қолган бола ўзини қаровсиз, ёлғиз ҳис қилиб, пайдо бўлган бўшлиқни тўлдириш йўллари излай бошлайди. Ана шу даврда турли ёвуз мақсадли шахсларга қўшилиб қолса ўзи билмаган ҳолда ёмон йўлга кириб қолиши мумкин.

Жорий йилнинг ноябрь ойи давомида пойтахтда ижтимоий маънавий муҳитни соғломлаштириш, вояга етмаганлар назоратсизлиги, қаровсизлиги, улар томонидан ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, профилактик ва маънавий тарғибот тадбирларини амалга ошириш мақсадида мактаб, касб-хунар коллежларида таҳсил олаётган уч мингга яқин ўқувчиларнинг «Шаҳидлар хотираси» мемориал мажмуаси, Темурийлар тарихи Давлат музейи, Тошкент Планетарий ва ҳайвонот боғи саёҳати уюштирилди.

Айтиш керакки, мана шундай маданий-маърифий тадбирлар ёшларнинг қалбига-юксак маънавий фазилатларни камол топтириш, уларни бой маданий меросимиз, тарихий ва миллий қадриятларимизга ҳурмат, Ватанга муҳаббат, истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашда катта аҳамиятга эгадир. Буни ўқувчи ва талабаларнинг фикрларидан ҳам кузатиш мумкин.

**ЁШЛАР КАМОЛИ — ЮРТ ЖАМОЛИ**

— Бу тадбир менда катта таассурот қолдирди, — дейди биз билан суҳбатда Бектемир туманидаги 275-мактабнинг 9-синф ўқувчиси Муслима Абдукаримова. — Темурийлар тарихи Давлат музейидан чиққим келмай қолди. Худди ўрта асрга бориб қолгандай ҳис қилар экан одам ўзини. Яна бир менга ёққан томони, бошқа мактабларда, коллеж ва лицейларда ўқийдиган қизлар ва болалар билан кун давомида бирга бўлиб яқиндан таниш бўлиб қолдик. Дўстларим, дугоналарим кўпайди.

Мирзо Улғабек туманидаги Геодезия ва картография касб-хунар коллежи талабаси Жасур Ҳакимов мазкур тадбирдан таъсирланиб: — Биз учун бугунги кун қизиқarli ўтди. Шаҳримизнинг диққатга сазовор жойларини томоша қилдик. Менга Темурийлар тарихи Давлат музейи экспонатлари жуда ёқди. Музей ўзининг гўзал меъморий кўри-

ниши билан шаҳарни беэаб турибди. Саёҳат давомида олган таассуротларим орқали диёримизда биз ёшлар билгим олиш, ҳордиқ чиқариш, гўзал шаҳарда яшаш бахтига муяссар бўлганимиздан қувондим. Биз мамлакатимиз тарихини, Ватан озодлиги, истиқлол учун курашган маърифатпарвар аждодларимизни яхши билишимиз кераклигини англадим. Мамлакатимизда фаровон келахакни яратиш учун биз ёшларга ҳамма шароитлар яратилган, деган ҳулосага келдим, — деди.

— Модельер касбини ўрганаётган бўлсамда юлдузларга, умуман коинотга жуда қизиқман — дейди Миробод энгил санъат касб-хунар коллежи ўқувчиси Нозима Латипова. — Бир гуруҳ тенгқурларим билан Планетарийга ташриф буюрганимизда беҳад мамнун бўлиб кетдим. Коинотни, юлдузларни томоша қилдик. Худди улар билан учиб юргандек бўлдим.

— Менга борган жойларимизнинг ҳаммаси ёқди, — дейди Сергели туманидаги 264-мактабнинг 8-синф ўқувчиси Исмоил Одилжонов. — Музейда, планетарийда ва ҳайвонот боғида бизни гидлар қутиб олишиб, атрофчила тушунтириб беришди. Ўзим билмаган ҳолда тарих, география, астрономия фанларига қизиқиб қолдим...

Ҳа, ҳар бир ёшларимизнинг таълим-тарбияли бўлиши, турли соҳаларга қизиққан ҳолда ўсишини таъминлаш биз катталарнинг бурчимиздир. Зеро, мамлакатимиз келахакни бугун биз тарбиялаётган ёш авлоднинг қўлидадир.

Эргаш ИСМАТУЛЛАЕВ,  
Шаҳнозаҳон  
ҚУДРАТХУЖАЕВА

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**Саноат корхонаси ностандарт асбоб-ускуналарни монтаж қилиш учун монтажчилар бригадаси, шунингдек, умумий қурилиш ишлари иш бошқарувчилари (прораблар), электр-газ пайвандчилар ҳамда умумий қурилиш ишлари ишчиларини доимий ишга**

**ТАКЛИФ ЭТАДИ**

Иш ҳақи — ишбай, ўз вақтида тўланади.

Ишчи-хизматчилар бепул овқат, транспорт хизмати билан таъминланади.

Чимёнда корхонанинг болалар соғломлаштириш оромгоҳи мавжуд.

**Мулоқот учун телефонлар: 241-10-81, 929-55-97, 241-29-94, 167-17-58.**

Ўзингиз ҳақингиздаги маълумотларни (резюме) қуйидаги электрон почта манзилига юборинг: [d-kolov@mail.ru](mailto:d-kolov@mail.ru).

**«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ва «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»**

**Эълонлар шанба ва якшанбадан ташқари ҳар куни соат 9.00 дан 16.00 гача қабул қилинади. Маълумотлар учун телефон: 233-28-95. Факс: (371) 233-21-56. Манзилимиз: Матбуотчилар кўчаси, 32-уй, 2-қават, 223-хона.**

**РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР / РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР**

**«KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориши тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдосига Шайхонтоҳур тумани СИБ томонидан тақдим қилинган қуйидаги кўчмас мулклар қўйилмоқда: 1.23.07.2012 й.даги 10683-84/11-сонли ижро ҳужжати асосан, бошланғич нархи — 110 402 000 сўм бўлган Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаришот 5-бек, Омонат тор кўчаси, 8-А-уй манзилида жойлашган умумий майдони 137 кв.м. бўлган ошхона биноси. 2.23.07.2012 й.даги 10681-82/11-сонли ижро ҳужжати асосан, бошланғич нархи — 56 500 000 сўм бўлган Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Боғишамол кўчаси, 28-уйда жойлашган умумий фой.майдони 59,52 кв.м., яшаш майдони 33,32 кв.м бўлган 2 хонали 40-хонадон. 3.23.07.2012 й.даги 10685-87/11-сонли ижро ҳужжати асосан, бошланғич нархи — 52 000 000 сўм бўлган Тошкент шаҳри, Шайхонтоҳур тумани, Қозиробод 1-тор кўчасида жойлашган умумий фой.майдони 139,85 кв.м., яшаш майдони 118,68 кв.м бўлган 6 хонали 12-уй.

Аукцион савдолари 2013 йилнинг 11 январь куни соат 11:00 да Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уйда жойлашган 311-хонада бўлиб ўтади. Юқорида кўрсатилган кўчмас мулк 2013 йилнинг 11 январь куни сотилимаган тақдирда тақририй аукцион савдоси 2013 йилнинг 25 январь куни бўлиб ўтишини аввалдан маълум қиламиз.

**2012 йил 21 декабрь куниндаги тақририй аукцион савдосига** Яксарой тумани СИБ томонидан 10.10.2007 йилдаги ЖСК-1-511/2007-сон ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Яксарой тумани, Рақатбоши 1-тор кўчасида жойлашган Д.Г.Бекмуродовга тегишли бошланғич нархи 263 288 424 сўм бўлган, уй-жойнинг умумий майдони 203,70 кв.м., умумий ер майдони 325,0 кв.м иборат бўлган икки қаватли 15-уй-жой (хавли) қўйилмоқда.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10% дан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «KO'P TARMOQLI KO'CHMAS MULK SAVDO» МЧЖнинг АТИБ «Ипотэка банк» Шайхонтоҳур филиалидаги ҳисоб рақамига 20208000104931635001 тўлашлари шарт. МФО 00425, СТРП 207128747, ОКОНХ 83400. Савдога қўйилган мол-мулк билан тегишли суд ижро-чилари бўлимининг вакили иштирокчида бевосита жойга чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш расмий иш кунлари соат 9.30 дан 17.00 гача қабул қилинади. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан ариза ва бошқа тегишли ҳужжатларни қабул қилиш ким ошди савдоси ўтказилишига бир иш кун қолганда соат 17.00 да тўхтатилади. Мурожаат учун манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Беруний кўчаси, 83-уй, 311-хона. Телефонлар: 249-54-59, 249-53-61. Лицензия: №0039

**Аукцион савдосига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 26.05.2011 йилдаги 153-сонли қарорига мувофиқ, «O'zbekiston Respublikasi tovar-xomashyo birlasi» ОАЖнинг 14.09.2012 йилдаги 97-П-сонли буйруғига асосан «O'zbekiston Respublikasi tovar-xomashyo birlasi» ОАЖга тегишли, Тошкент шаҳри Бобур кўчаси, 77-уй манзилида сақланаётган, «Митсубиси Галлант» русумли, 2008 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 01-305 ВАА бўлган автотранспорт воситаси такроран қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси — 40 178 113 сўм.**

Савдога қўйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: Бўка тумани СИБ томонидан 1. 14.07.2009 й. № 1-258-сонли ижро ҳужжати асосан Т-28x4МС1, д/р.сиз. Бошланғич баҳоси — 4 671 432 сўм. 2. 14.07.2009 й. № 1-258-сонли ижро ҳужжати асосан 2-ПТС 4793, д/р.сиз. Бошланғич баҳоси — 1 181 000 сўм. 3. 05.09.2011 й. № 391-сонли ижро ҳужжати асосан Опел, д/р.сиз. Бошланғич баҳоси — 4 415 553 сўм. 4. 10.08.2012 й. № 59-сонли ижро ҳужжати асосан 2007 й. и/ч. ГБА СПГ Дамас, д/р.10 Q 949 АА. Бошланғич баҳоси — 22 260 541 сўм. Аукцион савдоси 2012 йил 24 декабрь куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 5. Бўстонлик тумани СИБ томонидан 13.01.2010 й. № 1-141-сонли ижро ҳужжати асосан КБ-100 минорали крани, ТРЦ-1 дастоҳи, силлиқлаш дастоҳи, пилфрема, ТМ 160/10. Трансформатор. Бошланғич баҳоси — 80 159

**«Respublika Mulk markazi» ЁАЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориши тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдоси 2012 йил 20 декабрь куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 18 декабрь куни соат 18:00. Юқоридаги автотранспорт воситаси 2012 йил 20 декабрдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, тақририй аукцион савдолари 2012 йил 4 январь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 27 декабрдаги тақририй савдолар учун 2012 йил 25 декабрь куни соат 18:00; 2013 йил 4 январдаги савдолар учун 2 январь куни соат 18:00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш кун ичида сотувчи билан олдиндан шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

**«SPARETRA» МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориши тартибда ўтказилаётган очик аукцион савдосига таклиф этади!**

Аукцион савдолари 2012 йил 27 декабрь ва 2013 йил 4 январь кунлари соат 11:00 да бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 27 декабрдаги тақририй савдолар учун 2012 йил 25 декабрь куни соат 18:00; 2013 йил 4 январдаги савдолар учун 2 январь куни соат 18:00. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш кун ичида сотувчи билан олдиндан шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Юқоридаги автотранспорт воситасининг аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10% фойиздан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини «Respublika Mulk Markazi» ЁАЖнинг ОАИКБ «Ипак йўли банки» Сағбон филиалидаги қуйидаги ҳисоб-рақамига тўлашлари шарт: х/р: 20210000300571452114, МФО: 01036. ИНН: 200933850. Аукцион савдоси ўтказилаётган манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1А-уй. Телефон: 228-79-52.

талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати: 2012 йил 27 декабрдаги тақририй савдолар учун 2012 йил 25 декабрь куни соат 18:00; 2013 йил 4 январдаги савдолар учун 2 январь куни соат 18:00. Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 иш кун ичида сотувчи билан олдиндан шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма бир йиллигига бағишлаб ташкил этилган «Камолот» тарбиёт ойлиги «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг энг йирик лойиҳаси ҳисобланиб, унинг якунида «Биз буюк юрт фарзандларимиз» шиори остида ёшлар фестивали юртимизнинг барча вилоятлари қатори Тошкент шаҳрида ҳам бўлиб ўтди.

Фестиваллар

«АЛПОМИШ АВЛОДЛАРИ» КУЧ СИНАШДИ

Фестиваль доирасида депутатлар, тadbиркорлар, ёш олим ва мутахассислар, таниқли шоир ва ёзувчилар, кино ва театр актёрлари, эстрада юлдузлари, рассомлар, спортчилар, эл ардоғидаги машҳур кишилар иштирокида шаҳримизда турли-туман тadbирлар ўтказилди. Фестивални ўтказишдан ёшларнинг мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий жараёнларга муносабатларини шакллантириш, уларда ислохотларга дахлдорлик туйғусини тарбиялаш ва ижтимоий фаоллигини ошириш, ёшларни «оммавий маданият»нинг турли ёт ғояларидан

асраш, шунингдек, халқимиз, миллатимиз, миллий қадриятларимизга ҳурмат ва сadoқат руҳида тарбиялаш, давлатимиз томонидан ёшларга яратиб берилган имкониятлар, шарт-шароитларни улар ўртасида кенг тарғиб этиш, ёшларда тadbиркорлик қўнимчаларини шакллантириш, миллий истиклол ғоясидан, Ўзбекистон халқининг бой маданий мероси ва маънавий-ахлоқий анъаналаридан келиб чиққан ҳолда ёшлар ўртасида маданий-маърифий ҳамда жисмоний тарбия — соғломлаштириш ва оммавий спорт тadbирларини ташкил этиш каби хайрли мақсадлар кўзда тутилди.

Мамлакатимизда Президентимиз томонидан «Мустаҳкам оила йили» деб эълон қилинган ўтиб бораётган йилда миллий киномиз ижодкорлари ҳар домғидек самарали меҳнат қилдилар. «Ўзбеккино» Миллий агентлиги буюртмаси асосида яратилган томошабинлар меҳрини қозонган кўплаб бадий фильмлар мухлислар эътиборига ҳавола қилинди. Уларнинг аксарияти муқаддас қадриятларимиздан бўлган оила тотувлиги, эр-хотин муҳаббати, фарзандларни қимбат инсон қилиб тарбиялаш мавзусига қаратилган.

ОИЛАЛАР ТОТУВЛИГИ ВА ФАРЗАНДЛАР ТАРБИЯСИГА БАҒИШЛАБ

Йил бошидаёқ ёш, умидли режиссёр Акбар Бектурдиевнинг «Бахт уйи» фильмини томошабинлар мамнуният билан кутиб олган эдилар. Бу рўйхатни кейинчалик «Паригод» (режиссёр Аюб Шаҳобиддинов), «Тубанилик» (Хилол Насимов), «Тақдирлар» (Абдувоҳид Фаниев) картиналари тўлдирди. «Армонли дунё» (Собир Назармухаммедов), «Баҳор қалдирғочлари» («Қорақалпоқфильм» киностудияси), «Онагинам орзуси» (У. Ҳамдам), «Хонадон эгаси» (Э. Аъзам, Е. Саъдиев) сингари экран асарларида ҳам халқимиз турмушининг турли қирралари қизиқарли ҳикоя қилинган. Бу асарлар оила мавзусини яна ҳам тўлдирди.

Шунингдек, шу йўналишда «Тарбия мактаби», «Оила — ҳаёт абадияти тимсоли», «Соғлом оила — жамият таянчи», «Ёш оилаларга эътибор», «Қалб кўзгуси» сингари ҳужжатли фильмлар яратилди, уларда замондошларимизнинг аниқ тимсоллари, ҳаёт йўллари орқали муқаддас қадриятларимиз тараннум этилган, ибратли воқеалар воситасида келажакимизни асраб-авайлашга эътибор қаратилган.

Кино ижодкорлари эртанги кунимиз эгалари — болажонларни ҳам эсдан чиқариб қўйганлари йўқ. Орзуларга бой, шўхлик-шаддоликдан иборат бола дунёсининг турли қирралари «Сой қўшиғи» (Ф. Шамсиматов), «Сехрли қалпоқча» (А. Бектурдиев, Н. Жумаев), «Офтоб чикди оламга» (Қамара Камолова) сингари бадий ва «Учар тулпор ҳақида дoston», «Олтин тарвуз», «Бўёбола», «Аломат куён», «Олтин меваги дарахт», «Донишманд шоғирд», «Бирлашган ўзар» каби мультпликацион фильмларда акс эттирилди.

«5-студия» ёшлар таъриба устахонасида «Зумраша» болалар ҳажвий киножурналининг тиклангани ва унинг 4 қисми яратилганини қувонч билан таъкидлаш лозим. Умуман, миллий киномизнинг ҳар бир жабҳасида ижодий ишлар қизғин давом этмоқда.

Хуршида УБАЙДУЛЛАЕВА

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги ЛОҚАЙДЛИК ОҚИБАТИ

Мамлакатимизда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш масалаларига жуда катта эътибор қаратилган бўлиб, бу борада мазкур хизмат томонидан олиб борилётган ишлар кейинги пайтларда сезиларли даражада самарасини кўрсатаётганлигини таъкидлаб ўтиш лозим. Бу ҳолатни биз аввалги йилларга нисбатан бугунги кунда ёнғинлар сони анча камайганлигидан ҳам билишимиз мумкин.

Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари ҳар бир ташкилот, муассаса, олий ва ўрта махсус ўқув юртли, мактаб ва мактабгача таълим муассасаларида ёнғин хавфсизлигига rioя этиш юзасидан батафсил тушунтиришлар бериб, унинг оқибатида қандай қўнғилсиз ходисалар юз бериши ҳақида атрофлича тўхталиб ўтмоқдалар. Бироқ аксарият хонадон эгаларининг лоқайдлик ва эътиборсизликлари туфайли ёнғинлар юз бериб турибди. Масалан, Миробод туманида яшайдиган фуқаро Б.Обидованин хонадонига содир бўлган ёнғин оқибатида молхонанинг том панжараси ёниб кетган. Шу туманда истиқомат қилаётган К.Машрабованин хонадонига эса лоқайдлик

натijasида рўй берган ёнғин оқибатида 70 кв.м. майдонда том қисми ва уй жиҳозлари қуйиб кулга айланди. Уй эгаси эса жиддий тан жароҳати олган ҳолда «Тез ёрдам» билан шифохонага келтирилиб, ётқизилди. Учтепа туманида яшовчи Ш.Амированин хонадонига ёнғин эса компьютер симларининг қисқа туташуви оқибатида келиб чиққан.

Хулоса қилиб айтганда, шундай ҳолатлар юз бермаслиги учун ёнғин хавфсизлиги қондаларига тўлиқ rioя этишини ҳар бир фуқаронинг мажбурияти деб таъкидлаш оламиз.

Камалиддин НОДИРОВ, 12-ХҲҲО, 23-ХҲҲК смена бошлиғи, лейтенант

Спорт янгиликлари КЕЛГУСИ МУВАФФАҚИЯТЛАР ДЕБОЧАСИ

Халқаро футбол тарихи статистикаси қўмитаси ўзининг янги рейтингини эълон қилди. Унга кўра жаҳоннинг энг яхши 400 та жамоалари ичидан Ўзбекистоннинг бир йўла иккита командаси жой олди.

Миржалол Қосимов бошчилигида Осиё чемпионлар лигасининг ярим финалига қадар етиб борган Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси бу сафар рейтингнинг 154 погонасидан 131-уринга кўтарилиб олди. Мамлакатимиз вице-чемпионининг кубок баҳсларида ишончли қатнашган ҳолда биллур соврин соҳиби бўлганлиги рейтингда юқорилашга сабаб бўлган. «Пахтакор» эса гарчи мамлакат чемпионлигини кўлга киритган бўлсада рейтингда пастлади. Яъни ўтган ойда 251-уринда қайд этилган «Пахтакор» бу сафар бир йўла 60 поғона пастлаб, 311-уринга жойлашди. Осиё клублари ичида амалдаги Осиё чемпионлар лигаси голиби саналган Жанубий Кореянинг «Ульсан Хёнда» клуби энг юқори ўринда бормоқда. Кореяликлар ўтган ойдаги кўрсаткичидан 2 поғона пастлаб 35-уринни эгаллаб туришибди. «Бунёдкор» эса бу борада Осиёда 10-жамоа бўлиб турибди. ФИФАнинг шу кунларда Ўзбекистон клубларига қизиқиши юқори. Буни ўзбек ёш футболчиларининг эришаётган ютуқлари билан ифодалашимиз мумкин.

Раббонақул МУХТОРОВ

Саломатлик

САВОЛ-ЖАВОБЛАРГА БОЙ МУЛОҚОТ

Тadbирда Тошкент шаҳар ОИТСга қарши кураш маркази мутахассислари Гулбахор Жамолова ва Муниса Илбосовалар қатнашиб, ОИТСнинг кишилик жамиятига қанчалик хавф солаётганини мисоллар орқали таҳлил қилиб, мамлакатимизда унинг олдини олиш борасида амалга оширилаётган ишлар хусусида батафсил тўхталиб ўтишди.

Давра сўхбати сўнггида талабалар ўртасида савол-жавоб ўтказилди. Уларни қизиқтирган саволларга му-

Тoшкент Давлат шарқшунослик институтида шаҳар ОИТСга қарши кураш маркази билан ҳамкорликда «ОИТС касаллиги ва унинг жамият, инсон саломатлиги учун хавфи» мавзусида давра сўхбати ўтказилди.

тахассислар томонидан жавоблар қайтардилар. Давра сўхбати сўнггида талабалар ўртасида катта таассuroт қолдирди

ва келгусида мана шундай тadbирларни ҳамкорликда мунтазам ўтказиб туришга келишиб олинди. (Ўз мухбиримиз)

Бугунги кунда қурилиш, ободонлаштириш ишларини шаҳримизнинг ҳар бир ҳудудида кузатишимиз мумкин. Ҳашаматли иншоотлар, боғлар барпо этилиб, баъзиларида таъмирлаш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда.

ЭҲТИЁТКОРЛИК — ХАВФСИЗЛИК ГАРОВИ

Инсонларга энг қийин пайтда ёрдамга келувчи ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимларидан ушбу масканларда ёнғин хавфсизлиги қондаларига rioя қилиниши юзасидан назоратни қучайтиришлари талаб этилади. Акс ҳолларда қурилиш меъёр талабларининг бузилиши, қўнғилсиз ҳодисалар инсонлар ҳаётига жиддий хавф тугдириши мумкин. Яратувчанлик йўлида ўзларининг беиминат ҳиссаларини қўшаётган қурилиш соҳаси ишчи-хизматчилари иш жараёнида ёнғин хавфсизлиги қондаларига rioя қилишлари билан ўзларининг ва оила аъзоларининг хотиржамлигини таъминлаган бўлади.

Қурилиш майдонларини ёнғинчи чиқиндилардан доимий тозалаш, қўлбола электр иситиш анжомларидан фойдаланмаслик, ажратилмаган жойда сигарета чекмаслик, очик олов ёқилиши, кислород баллонлар, бўёқлар, карбид, тахта материалларининг бирга сақланишига йўл қўймаслик, электр-газ пайвандлаш ишлари даврида ёнғин хавфсизлиги қондаларига rioя қилиш, қурилиш ҳовлисида ёш болаларнинг ўйнаб юришларини таъкидлаш ва бу борадаги бошқа қўнғилна қонда-талабларга амал қилинганда юз бериши мумкин бўлган ёнғинлардан ва қўнғилсиз вазиятлардан сақланиши мумкин.

Нафақат қурилишларда, балки ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ёнғин хавфсизлиги қондаларига rioя қилишда масъулиятимизни оширайлик. Бу билан ўз ҳаётимизни, давлатимиз ҳамда шахсий мулкимизни ёнғин офатидан асраган бўламиз.

Ш.ИБРАГИМОВ, Шайхонтоҳур тумани ИИБ ЁХБ бошлиғи, подполковник

Фестиваль доирасида Тошкент темир йўл муҳандислари институти спорт мажмуасида «Алпомиш авлодлари» шиори остида кураш мусобақаси ташкил этилди. Мусобақада пойтахтимизда жойлашган олий таълим муассасалари талабалари орасидан саралаб олинган иштирокчилар ҳар хил вазнларда миллий кураш бўйича ўзаро куч синачишди. Қизгин баҳсларга бой ўтган мусобақа ҳақиқий кураш байрамига айлиниб кетди.

«Алпомиш авлодлари» мусобақаси голиблари сафига назар ташлар эканмиз, унда шаҳримиздаги кўплаб олий ўқув юртли вакилларининг борлигини кўраимиз. Жумладан, 60 килограммлик вазнда Тошкент Кимё технологиялари институти талабаси Муҳаммад Жабборов голибликни кўлга киритган бўлса, 66 килограммликлар ўртасида Тошкент Ислон университети талабаси Ойбек Содиковга тенг келадиганлар топилмади. Кейинги вазн тоифасида «майдон эгаси» — Тошкент темир йўл муҳандислари институти талабаси Ғиёс Қаландаровга омад қилиб боқди. 81 ва 90 килограммлик вазнларда Ўзбекистон Давлат жисмоний тарбия институти талабаси Элбек Очилов ҳамда пойтахт Ирригация ва мелиорация институтидан Ўқтам Абдунабиевлар ҳурмат шохсупасининг энг юқори поғонасидан жой олишди.

Мусобақа голиб ва совриндорлари «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Тошкент шаҳар Кенгашининг фахрий дипломи ва эсдалик совғалари билан тақдирландилар.

Дилмурод ИСМОИЛОВ



Муҳаммад Амён (ЎЗА) олган сурат

«Пахтакор» марказий стадионига йиғилган мухлислар футбол бўйича уюштирилган Ўзбекистон Кубоги финалининг «Бунёдкор» — «Насаф» жамоалари ўртасидаги учрашувига гувоҳ бўлишди.

«БУНЁДКОР» — ЎЗБЕКИСТОН КУБОГИ СОҲИБИ

Ушбу учрашув билан жорий йилги баҳслар якунига етди. Шуни таъкидлаш жоизки, «Бунёдкор» жамоаси ярим финалда «Пахтакор» командасини икки йўлдан натижасига кўра мағлуб эта олган бўлса, «Насаф» «Бухоро» командасидан устун келди.

Шу боис ҳам финал баҳсининг муросасиз кечиси таҳмин қилинган эди. Дарҳақиқат, беллашув анча қизиқарли ва шиддатли курашлар остида кенди. Дарвозалар томон ҳужум уюштиришда, майдоннинг ҳар бир қаричи ёрида тўп учун кураш олиб боришда «Насаф» ҳам «Бунёдкор»дан асло қолшмади. Фақат ҳужумларни самарали яқунлашда маҳоратлироқ бўлган Миржалол Қосимов шоғирдлари рақиблиар дарвозасига 90 даққа мобайнида уч марта гол кирита олишди ва ўз

дарвозалари дахлсизлигини сақлаб қолишди. Қаршилик чарм тўп усталари эса ҳужумларини ниҳоясига етказиб олишмади. Беллашувда 3:0 ҳисобида зафар қучган «Бунёдкор»га учинчи марта Ўзбекистон Кубоги соҳиби бўлиш насиб этди. Мухлисларга қувонч бахш этган голларга Саломов, Мурзоев, Карпенко муаллифлик қилишди.

Энди «Бунёдкор» жамоаси келгуси йилда уюштирилаётган Осиё чемпионлар лигаси турнирини гуруҳ баҳсларидан «Пахтакор» билан бирга бошлаш имкониятига эга бўлди. Жорий йилги мавсумда бронза медалларига эгалик қилган «Локомотив» эса Осиё чемпионлар лигаси турнири саралаш баҳсларида омадини синиб кўради.

Акбар ЙҮЛДОШЕВ



МАШРИҚЗАМИН — ҲИКМАТ БЎСТОНИ

Ҳаёт кўп жилдли китобга ўхшайди — умринг бўйи уни ўқиб тугатолмайсан.

Баъзида биргина сўзи билан одам кимлигини билдириб қўяди.

Тама минг кўзли аждарга ўхшайди.

Бахт қасрига ранжу машаққат довонидан ошиб борилади.

Болалар ҳимояга муҳтож гулларга ўхшайди.

Вақтни аҳмоқ қилолмайсан.

Вақт кўпни кўрган мўйсафидга ўхшайди.

Текин деб кўпчилик умрининг қадрига етмайди.

Манфаат қайчиси барча ришталарни узишга қодир.

Ўз фойдасига қолганда ҳамма доно.

Илм дарахти кеч ҳосилга қиради.

Ўрганда эккани унутадилар.

Гулга қараб туриб унинг нархини чаққан гўзаллигидан завқ ололмайди.

Ёшлик кўпинча ўз кучига ортикча баҳо беради.

Ёшлик асов отга ўхшайди.

Ҳамма ҳам севиши мумкин, лекин ҳамма ҳам етолмайди.

Манфаат кимларни ўз ногорасига ўйнатмаган.

Бу дунёда манфаат шамоли кирмайди тешик йўқ.

Манфаат дўст қиёфасидаги душмандир.

Манфаат кишининг ожиз нуқтасини беҳато топади.

Манфаат не-не қаттол душманларни дўсту не-не содиқ дўстларни душманга айлантирмайди.

Манфаат кўпинча эгнига оддий кўз билан кўриб бўлмайдиган кийим кийиб олади.

(Давоми бор) Эргаш ОЧИЛОВ тайёрлаган

Advertisement for 'Ўзгидромет' (Uzgidromet) featuring a globe logo and text about hydro-meteorological services.